

**Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш
Департаментининг судларни моддий-техник ва молиявий таъминлаш
соҳасида 2021 йилда амалга оширилган иш фаолияти юзасидан ҳисобот**

Сўнгги 5 йилда давлатимиз Раҳбари томонидан судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига эътибор янада кучайтирилди.

Суд фаолиятини молиялаштириш учун **2020 йилда 726.3 млрд. сўм** (бюджетдан -430.8 млрд. сўм, Жамғармадан -295.5 млрд. сўм) ажратилган бўлса, **2021 йилда бу миқдор 1 трлн. 99 млрд. сўмни** (бюджетдан -866,2 млрд. сўм, Жамғармадан -233.0 млрд. сўм) ташкил этган.

2021 йилда Жамғарманинг жами сарф-харажатлари **225 млрд. 113 млн. сўмни** ташкил этган.

Шундан, **84 млрд. 364 млн. сўм** иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга йўналтирилган, ушбу сумма жами миқдорнинг 36,2 фоизини ташкил этади;

62 млрд. 450 млн. сўм ёки 26,8 фоизи капитал таъмирлаш ва лойиҳа смета харажатларига;

77 млрд. 303 млн. сўм ёки 33,2 фоизи асосий воситалар харид қилишга, шу жумладан:

- 13,5 млрд. сўмлик 1511 дона компьютер тўплами;
- 3,9 млрд. сўмлик 1090 дона кўп функцияли принтер;
- 2,2 млрд. сўмлик 592 дона кондиционер;
- 3,7 млрд. сўмлик мебель жиҳозлари;
- 44,6 млрд. сўмлик бошқа турдаги асосий воситалар харид қилиш

учун ажратилган.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан харажатлар сметаси ва дастурларда режалаштирилмаган харажатларга **4 млрд. 138 млн сўм**, хусусан:

- фуқаро ва ташкилотлар томонидан ортиқча (нотўғри) тўланган давлат божи ва жарималар учун **1 млрд. 765 млн. сўм**;

- 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сонли Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг жамғармасига - **2 млрд. 373 млн. сўм** ўтказилган.

Судья ва суд ходимларининг ижтимоий ҳимоясига доир қатор ишлар амалга оширилган.

Судьялар ва суд органлари ходимларининг уй-жойларни ижарага олганлик учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш бўйича аризаларига мувофиқ, 2021 йилда 357 нафар шахсга 3,4 млрд. сўмлик пул компенсациялари тўлаб берилган. (2020 йилда 416 нафарига 4.9 млрд. сўм. -1,5 млрд сўм тежалган)

Судьялик ваколоти тугатилган судьялар учун уч ойлик компенсация тўловлари 2021 йилда 35 та судьяга 740 млн. сўмни (2020 йилда 157 та судьяга 2.2 млрд. сўмни) ташкил этган.(1,5 млрд сўм тежалган)

“Судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Низом талаблари асосида 2021 йилда 1258 нафар судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғи суғуртаси учун 3,2 млрд. сўм

маблағ сарфланган.

2021 йилда Олий суд ва Судьялар олий кенгашининг Пенсия тайинлаш комиссияси томонидан 80 нафар суд фахрийларининг пенсия тайинлаш ва 2021 йил ПФ-6134-сонли Фармонига асосан қайта ҳисоблаш бўйича аризалари қўриб чиқилган. Ушбу аризалардан 65 таси қаноатлантирилган, 15 таси рад этилган. Рад этилганлардан 3 нафарига суд қарорларига асосан пенсияси қайта ҳисобланган.

Бугунги кун ҳолатига 281 нафар фахрийлар ва уларнинг оилалари мазкур пенсия билан таъминланмоқдалар.

Давлат бюджетидан 2021 йилда жами 13 млрд. 941 млн. (2020 йилда 12 млрд. 452 млн) сўмлик пенсия тўловлари амалга оширилган.

2021 йилда республика судларининг объектларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4936-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган манзилли рўйхати (Дастур) асосида Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан Олий суд тизимида судларнинг маъмурий биноларини қуриш ишларига 60 млрд. сўм маблағ ажратилди.

2021 йилда **Риштон туман судлари, жиноят ишлари бўйича Тошкент, Шўрчи, Жалақудуқ, Томди ва Ховос** туман судлари учун янги замонавий бинолар қуриб фойдаланишга топширилди.

Вилоят марказларида суд иштирокчилари учун барча қулайликларга ва интерактив хизматларга эга бўлган энг замонавий ҳамда намунавий лойиҳада бино яратиш назарда тутилган.

Нурафшон шаҳрида - Тошкент вилоят судлари ва Жиззах шаҳрида - Жиззах вилоят судлари биноларини қуриш ишлари давом эттирилди. Тошкент шаҳар судлари учун маҳаллий бюджет маблағларидан бино қуриш ишлари бошлаб юборилди ва бугунги кунда жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг ПФ-6034 сонли Фармонларига биноан жиноят ишлари бўйича Бўзатов ва Бандихон туман судлари янгитдан ташкил этилди.

Жамғармамиз маблағлари ҳисобидан Бўзатов ва Бандихон туман судларига янги бино қуриш ишлари учун 9,231 млрд. сўм ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан Республика Ҳарбий суди биносини қайта қуриш ишларига 12,6 млрд. сўм ажратилиб, лойиҳалаштириш ишлари якунланди.

Бугунги кунда Қуйичирчиқ туман ва жиноят ишлари бўйича Тупроққалъа туман судларининг янги биносини лойиҳалари тайёр ҳолатда, қуриш ишларини бошлаш учун жорий йилнинг 2-ярим йиллигида манзилли Дастурга киритиш режалаштирилган.

Шунингдек, 287 та объектда суд биноларини капитал таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари учун 43,1 млрд. сўм ажратилган.

Бугунги кунда 206 та объектда капитал таъмирлаш ишлари якунланган ва 81 та объектда ишлар давом этмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, ҳисобот йилида жойлардаги айрим суд раислари ташаббуси билан ҳудудий ҳокимликлар ҳамкорлигида суд бинолари ва уларга ёндош ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Буларга мисол қилиб қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

1. Қорақалпоғистон Республикасининг жиноят ишлари бўйича Хўжайли туман суди раиси Ибрайым Алланиязов маҳаллий ҳокимият томонидан суд биносини тўлиқ капитал таъмирлашга **1 млрд. 700 млн сўм** маблағ ажратилишига эришган;

2. Фарғона вилоят суди (ЖИБ судлов ҳайъати) биносини таъмирлаш учун Жамғарма маблағидан 326,4 млн сўм ажратилган бўлса, вилоят ҳокимлиги томонидан қўшимча **800 млн сўм** маблағ ажратилишига эришилди;

3. Навоий вилоят маъмурий суди раиси А.Муродов маҳаллий ҳокимият томонидан суд биносини тўлиқ капитал таъмирлашга **700 млн сўм** маблағ ажратилишига эришган. Фуқароларни қабул қилиш ва кутиш биноси қурилди. Ошхона ҳамда бинони фасад қисми тўлиқ таъмирдан чиқарилди;

4. Чироқчи туман судлари раислари туман суди эски биносини ҳокимият балансига ўтказилиши эвазига жиноят ишлари бўйича судга **200 млн сўм** маблағга маҳбусларни вақтинча сақлаш хонаси (ИВС) қурилган ва судьялар учун Қарши шаҳридан **222,5 млн сўмлик** 3 хонали хизмат уйи беғараз ҳудудий бўлим балансига ўтказилди;

5. Фуқаролик ишлари бўйича Косон туман суди раиси ҳомийларни жалб қилиб, фуқароларга кутиш жойини ташкил қилган;

6. Сирдарё вилоят суди раиси (Худойбердиев Аъзамжон) жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди биносида ҳокимият ёрдамида **220 млн сўмлик** капитал таъмирлаш ишларини амалга оширган;

7. Жиноят ишлари бўйича Уйчи туман суди раиси (Акбаров Азимжон) ҳокимият томонидан ажратилган **200 млн сўмга** фуқароларни кутиш залини ташкил этиб, бино ва ошхонани капитал таъмирлади;

8. Фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом туманлараро суди раиси (Алмос Болтаев) ҳокимият томонидан ажратилган маблағга (**30 млн сўм**) янги ошхона қурган;

9. Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича М.Улугбек туман судига Жамғарма ҳисобидан 1,3 млрд сўм ажратилган бўлса, суд раиси (Ш.Бакаев) туман суди ҳудудини ободонлаштириш ишларига катта аҳамият берган;

10. Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур ва Яккасарой туман судларида ҳам ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилган.

Судлар фаолиятига инновацион техника воситалари ва ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиб борилмоқда.

“Судлар фаолиятига замонавий ахборот – коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли ҳамда 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида судларни

инновацион техника воситалари билан жихозлаш ишлари фаол амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ички ишлар вазирлиги ўртасидаги мавжуд электрон ҳамкорлик доирасида профилактика инспекторларини суд жараёнларида масофадан туриб иштирокини таъминлаш мақсадида жиноят ишлари бўйича барча судларга **2.2 млрд сўмлик 308 та моноблок, 1.1 млрд сўмлик 140 та ноутбук** ускуналари харид қилинди.

Фуқаролик ва иқтисодий судларда интерактив хизматларни кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида ҳисобот йилида **2.6 млрд сўмлик жами 129 та инфокиоск** ускуналари ўрнатиб берилди.

Шу билан бирга, Бюджет ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан **21.7 млрд. сўмлик жами 181 та видеоконференцалоқа тизимлари** ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда республика миқёсида барча яъни, **401 та суд тўлиқ видеоконференцалоқа тизими** билан таъминланган.

Мурожаат қилувчилар оқими юқори бўлган суд биноларига **1.1 млрд. сўмлик жами 19 та электрон навбат ускуналари** ўрнатилди.

Судланувчиларнинг суд залида бўлишларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида суд залларида мавжуд **182 та** темир қафаслар замон ва ҳафсизлик талабларига тўлиқ жавоб берадиган инсонпарварлик тамойилларига мос – **ойнаванд қафасларга** ўзгартирилди. Айни пайтда, барча жинойи ва ҳарбий судлардаги жами **336 та суд залларида** мазкур ойнаванд қафаслар ўрнатилган.

Судларни хизмат автомашиналари билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, республика бўйича ҳисобот йилида **10.1 млрд. сўмга 29 та (26 та Шкода, 3 та Малибу) премиум классдаги** автомашиналар харид қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сонли Фармони ижросини таъминлаш бўйича йўл харитасида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида:

- янги тузилма бўйича тегишли судларнинг штат жадваллари тасдиқланиб, рўйхатдан ўтказилди ва ёрдамчи штат бирликлари сони қайта кўриб чиқилди;

- 2021 йил 1 январдан бошлаб янги ташкил этилган фуқаролик ишлари бўйича Янгийўл туманлараро суди, Ургут, Сўх, Хатирчи, Пахтакор туман судлари, жиноят ишлари бўйича Бўзатов, Тахиатош, Бандихон ва Тупроққалъа туман судлари биноларга жойлаштирилди ва автомашиналар билан таъминланди, моддий-техник ва хўжалик харажатлари таъминоти бўйича эҳтиёжлари ўрганилиб, асосий воситалар билан таъминланди;

- пенсия тайинланган ва судья сифатида ўз фаолиятини давом эттираётган шахсларнинг пенсиялари янги белгиланган судьялар меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинди;

- 2021 — 2025 йилларда судларнинг бинолари ва хоналарини қуриш ҳамда реконструкция қилиш Давлат дастури тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПФ-6134-сонли** Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

- иш ҳақиларни оширилиши ҳамда иш ҳақи тўловларини бюджет ва Жамғарма ҳисобидан янгидан тақсимооти бўйича қуйи судларнинг 2021 йил 13 январдан бошлаб штат жадваллари тасдиқланиб, тегишлича иш ҳақлари тўлаб берилди;

Жамғармага давлат божлари, жарималар, ижро иши бўйича ундириладиган 40 фоиз миқдори ҳисобида келиб тушадиган маблағ 2021 йил 1 октябрдан 5 фоиз миқдорида тушум бўлишини инобатга олиб, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иш ҳақи тўловлари миқдорини сақлаб қолган ҳолда бюджетга ўтказиш мақсадида суд органларидаги техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг вақтинчалик тариф коэффицентлари тасдиқланди.

Ушбу тариф коэффицентлар тасдиқланишида тегишли вазирликлар томонидан эътирозлар бўлишига қарамасдан Раисимизнинг қатъиятликлари сабабли техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг аввалги иш ҳақлари миқдорлари нафақат сақланиб қолди, балки айримларининг оширилишига ҳам эришилди.

Бошқа бюджет ташкилотларида хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ўртача бир ойлик иш ҳақлари 895,0 минг сўмдан 1.5 млн. сўмгача эканлигини, хаттоки олий маълумотли мутахассисларни маоши ҳам судлардаги техник ходимлар ўртача иш ҳақидан камлиги кўриниб турибди.

Илгари техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг иш ҳақи тўловларининг 37 фоизи бюджет ҳисобидан ва 63 фоизи жамғарма ҳисобидан тўлаб келинган. Хозирги кунда эса, яъни 2021 йил 1 октябрдан бошлаб, 83 фоизи бюджет ҳисобидан ва 17 фоизи жамғарма ҳисобидан тўланмоқда.

Судларда фаолият юритаётган техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни махсус кийимлар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу мақсадда харажатлар сметасига 680 млн. сўм маблағ режалаштирилди. Хайдовчи, бинога хизмат кўрсатувчи, боғбон ва фаррошларни униформаси тасдиқланиб, харид қилинмоқда.

Шунингдек, фаррошлар учун ҳар бир суд биносига 1 тадан жами 766 млн. сўмлик 320 та чанг ютгич харид қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Кадрлар билан ишлаш, жойларда меҳнат ва ижро интизомини кучайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилмоқда. 2021 йилда жами 66 нафар ходимлар аттестациядан ўтказилди, 5 нафар ходим лавозимдан озод қилинди, 6 нафар ходимга “ҳайфсан” интизомий жазоси қўлланилди, 7 нафар ходим ротация қилинди.

2021 йил давомида Олий суд раисининг тегишли буйруқлари асосида жами 7 нафар ходимларига махсус-унвон мансаб даражалари берилди, 28 нафар ходим фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли фармонида давлат харидлари билан боғлиқ муносабатларни янги тартиби белгиланди. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни талабларини, шу жумладан харид қилиш тартиб-таомиллари турларини белгилаш ва

ижрочини танлаш шартларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш вазифаси қўйилган.

Департамент томонидан коррупциянинг олдини олиш нуқтаи назаридан ошкоралик, рақобат ва қарорларни қабул қилишнинг ҳолисона мезонларига асосланадиган харид тизимларини яратиш учун харид эълонлари ва тузилган шартномалар давлат харидлари порталига жойлаштирилиб, жамоатчилик назоратидан ўтказилмоқда.

Шунингдек, давлат харидлари танлов ва тендер савдолари замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Ходимларимиз хизмат мажбуриятларини ҳалол ва виждонан бажариши, манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан сақланишлари юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.